



ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ ПРЕЗИДЕНТЛАРИ АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

**4 январь куни Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат Мирзиёевнинг
Россия Федерацияси Президенти
Владимир Путин билан телефон орқали
мулоқоти бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон — Россия кенг қамровли стратегик шериклик муносабатларини янада чуқурлаштириш масалалари кўриб чиқилди.

Икки томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг ривожланиш суръати, шу жумладан, ўзаро товар айирбошлаш ортаётгани, Ўзбекистон ва Россиянинг етакчи компаниялари иштирокида қўшма корхона ва кооперация лойиҳалари сони ошаётгани мамнуният билан қайд этилди.

Мамлакатларимиз ҳудудлари ўртасидаги фаол мулоқотларни давом эттириш, шу мақсадда ҳар йили Тошкент шаҳрида ўтказилаётган “Иннопром. Марказий Осиё” халқаро кўргазмаси

ҳамда Ўзбекистон — Россия Худудлар форуми имкониятларини самарали ишга солиш муҳимлиги таъкидланди.

Нефть-газ соҳасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари томонидан 2022 йилнинг 26-27 декабрь кунлари Санкт-Петербург шаҳрида ўтган МДХ норасмий саммитининг самарали натижалари юксак баҳоланди.

Ўзбекистон ва Россия етакчиларининг телефон орқали мулоқоти ҳар доимгидек самимий, дўстона ва амалий руҳда ўтди.


ЎЗА

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

МАЖБУРИЙЛИКДАН ЯРАТУВЧАНЛИККА

Янги Ўзбекистонимизнинг ҳар бир йили азиз, ҳар бирининг ўз ўрни ва қадри бор. 2022 йил ҳам бундан истисно эмас, албатта. Тарихга айланган мазкур санада эслашга арзиғулик, турмушимизнинг ҳар бир йўналишида залварли ва сифатли из қолдирган воқеалар, марралар етарли бўлгани ҳам бор гап. Ялпи ички маҳсулотимиз илк бор 80 миллиард доллардан ошгани, экспортимиз деярли 20 миллиард долларга етганининг ўзиёқ кўп нарса, аввало, миллий иқтисодиётимиз самарали ва замонавий ривожланиш йўлига тушиб олганининг тасдиғидир. Айтишга оson, ушбу натижаларга юртимизда тарихий ўзгаришларга росмана киришилган сўнгги йилларда дунё сиёсий ва иқтисодий ҳаётида тўхтовсиз юз бераётган инқироз ва қарама-қаршиликлар шароитида, миллий пулимизнинг “оқ” ва “қора” бозор кўрсаткичларига барҳам берилган ҳаққоний ҳолатда эришилгани кўзда тутилса, уларнинг қимматини теранроқ англаш ва виждонан эъзозлашимиз имкони туғилади, деб ишонамиз.

▶ Давоми 3-бетда



МУНОСАБАТ

ТАЪЛИМ СИФАТИ, ПЕДАГОГ МАСЪУЛИЯТИ

Янги Ўзбекистон тараққиётини илдамлатувчи муҳим драйвер



Президентимиз ўтган йили 20 декабрдаги Мурожаатномасида “Ушбу даврда тўплаган тажрибамиз бир ҳақиқатни яққол исботлаб бермоқда: тараққиётга — фақат машаққатли ва жасоратли меҳнат орқали эришилади”, дея таъкидлади. Бу давлатимиз раҳбарининг кеча ёки бугун пайдо бўлган хулосаси эмас. Жамиятимизнинг эндиги босқичдаги тараққиёти бевосита инновацион омилларга боғлиқлигини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб турибди. Бу эса, ўз навбатида, юқори сафарбарликни, савияли ва сифатли таълимни талаб қиладиган жараён. Шу боис, 2023 йилга юртимизда “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” деб ном беришни таклиф қилгани ҳам бежиз эмас.

▶ Давоми 2-бетда

ШАРҲ

ГЕНДЕР АУДИТ

жамоатчилик назоратини кучайтиради

Ҳозир ўзаро мулоқотда фаол қўлланилаётган гендер тенгликни таъминлаш ибораси моҳиятини ҳар ким турлича тушунади ва қабул қилади. Масалан, кимдир уни хотин-қизларни зўравонлик ва таъйикдан ҳимоялаш, меҳнат фаолиятида эркаклар билан тенг ҳуқуқ ва шароит яратиш бериш, деб тушунаса, бошқалар бунинг замирида келажак учун ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялашдек муҳим мақсад мужассам эканини таъкидлайди.

Бу ўринда ҳар икки томонни ҳам инкор этмаган ҳолда айтиш мумкинки, гендер тенглик бу аввало, опа-сингилларимизга иқтидорларини намоён этишлари учун тенг шароит яратиш билан бир қаторда, ўқимишли, билимли хотин-қизлар, яъни зиёли оналар жамиятини яратиш орқали ҳар томонлама соғлом, юксак тафаккурли, Учинчи Ренессанс пойдеворини қўйишга қодир

билимдон, иқтидорли авлодни вояга етказишдек улғу мақсадимизга хизмат қилувчи муҳим омил ҳамдир. Шунинг учун ҳам сўнгги йилларда юртимизда хотин-қизларнинг олий таълим олишига алоҳида эътибор қаратилди, бу борада уларга махсус квоталар ажратилди, имтиёзлар берилмоқда.

▶ Давоми 2-бетда

ИЛМ-ФАН

ИХТИРОЧИЛИККА АЖРАТИЛАЁТГАН МАБЛАҒ ўзини тўла оқлайди ва даромад келтиради

Илм-фаннинг ривожланиш даражаси жамият тараққиётининг асосий кўрсаткичларидан бири бўлиб, инсониятни қўраб олган барча қулайликлар илм-фан ютуқлари мевасидир. Ҳозир мамлакатлар фаровонлиги уларнинг мазкур соҳа ва инновацияларни қўллаб-қувватлашга қаратилган стратегиясига бевосита боғлиқ. Илмий изланишларга жиддий эътибор қаратадиган, энг янги технологияларни муваффақиятли ўзлаштирган, инновацияларни амалда қўллаётган, бунинг учун етарли даражада кучли молиявий ва интеллектуал ресурсларни ажратган мамлакатгина ҳозирги куннинг сиёсий ва иқтисодий пойғасида етакчилик қиладиган ҳамда жаҳон савҳатига олдинги ўринларни эгаллаган давлатга айлана олади.

▶ Давоми 5-бетда



ТАЖРИБА

БИОИҚТИСОДИЁТ — БИЛИМГА АСОСЛАНГАН САНОАТ

Дунёда табиий ресурсларнинг камайиб бориши ва иқлим ўзгариши қайта тикланувчи энергия манбаларига асосланган биоиқтисодиётни ривожлантиришни тақозо этмоқда. Охириги 50 йилда сайёрамиз аҳолиси сони 3,5 баробар, истеъмол қилинаётган ичимлик сув ҳажми 11 баробар, транспорт воситалари сони ўн баробар, нефть маҳсулотларидан фойдаланиш етти, электр станциялари қуввати 21 баробар ошди. Ҳайвонот ва ўсимлик олами турлари эса 20 фоиз камайди. Ҳар йили атмосферага 5 миллиард тонна карбонад ангидрид вази, 200 миллион тонна углерод оксиди, 146 миллион тонна сульфат оксиди, 35 миллион тонна азот оксиди ташланмоқда.

▶ Давоми 5-бетда

